

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ


1928 йил 11 декабрда асос солинган

ОҚҚҮРҒОННИНГ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОГА ТЕНГ

Айни кунларда вилоятимизнинг барча туманларида "кумуш тола"ни йиғиб олиш ва қабул пунктларига топшириш жараёни қизғин паллага кирган. Хусусан, пиллачиликда ўз ўрнига эга бўлган оққўрғонлик заршунослар

ҳам аллақачон ишга киришиб кетишган. Шулардан бири – "PokizaM" фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов тажрибали пиллакор. Фермер ҳар йили давлатга ўртача 800 килограммдан ошириб "кумуш тола" сотади.

□ Хирмонга барака!



– Ипак курти парвариши билан узок йиллардан бери шуғулланамиз, – дейди А. Каримов. – Пилла боқининг сирасорларини ота-онамдан ўрганганман. Ҳатто, пилла хор бўлган даврларни ҳам бошдан кечирдик. Ушанда меҳнатимизга ачиниб, роса эзилгандик. Шукрки, сўнгги йилларда Юртбошимиз томонидан соҳага катта эътибор қаратилди. Натижада, ҳафсаласи пир бўлган пиллакорлар яна жонланишди.

Мазкур фермер хўжалигида бу мавсум 10 кути ипак курти парваришланди. Тайёр пиллалар ҳадемай йиғиб олинади. Хўжалик томонидан 850 килограмм ҳосил топшириш режалаштирилган. Мавсумга 15 нафар ишчи жалб қилинган.

2

□ Кучли фуқаролик жамияти сари

ИШОНЧГА МУНОСИБЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Бугунги одамлар кечагидек эмас. Аксарият аҳоли ўз ҳақ-хуқуқини яхши билади, муҳим масалаларда ҳеч иккиланмай баҳслаша олади.

Масалан, вилоятдошларимиз қарийб бир ой давом этган муҳим ижтимоий-сиёсий жараён – фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларида жуда фаоллик кўрсатишди. Мана, вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида уюшқоқлик билан ўтган сайловлар ҳам якунийланди. Жараёнинг сўнгги босқичида ўтган сайловлардан муҳбирларимиз хабар қилишди.

● Юқори Чирчиқ туманидаги 47 та маҳалланинг барчасида сайловлар ўз якунига етди.

Энг сўнгги сайлов кўп миллатли "Наврўз" маҳалласида бўлди. Номзодлар Равшан Эшматов, Орифбой Норматов, Сафаргул Файзибоева

мизнинг барча туман ва шаҳарларида уюшқоқлик билан ўтган сайловлар ҳам якунийланди. Жараёнинг сўнгги босқичида ўтган сайловлардан муҳбирларимиз хабар қилишди.

● Ангрен шаҳридаги 50 та маҳаллада сайловлар кўтаринкилик билан ўтди. Якуний сайлов шаҳарнинг энг намунали маҳалласи – "Майдон"да бўлди.

Йил бошидан буён маҳаллада бирорта жиноят содир этилмади. Намунали маҳалланинг раиси ҳам намунали бўлиши керак-да. Сайловда иштирок этган 4 та номзод ҳам бўш қелишмади. Натижа-

ларга кўра, Абдумуталиб Кўнонов 214 та овоз билан маҳалла раиси этиб сайланди. Қолган номзодлар – Камол Турдалиев 24, Зокир Даданов 16, Дилмурод Сулаймонов 4 та овоз олишди.

● Бекобод туманидаги "Бўстон" маҳалласида бўлиб ўтган сайлов фуқароларнинг яқдиллиги, ҳам-жихатлигини намойиш этди.

Тавсия этилган 3 нафар номзоддан энг кўп овоз олган амалдаги раиса Тожиҳон Раҳмонова қайта сайланди.

Шунингдек, тумanning "Олтин водий" маҳалласига

Содиқжон Ғойипов, "Янги ҳаёт" маҳалласига Ўктам Тожибоев, "Беш юз" маҳалласига Тўлқин Ҳакимжонов, "Дехқонбод" маҳалласига Мадамин Холмирозев раисликка сайланди.

● Тошкент туманида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловлари якунийланди. Энг сўнгги сайлов "Сабзавот" маҳалласида бўлиб ўтди.

25-умумтаълим мактабида ўтказилган сайловда маҳалла ахли номидан 215 вакил қатнашди. Яширин овоз бериш натижалари бўйича 6 та бюллетен яроқсиз деб то-

пилди. Номзодлар Фатхулло Ҳикматов 155 та, Миржалол Исоқов эса 54 та овоз олди. Фатхулло Ҳикматов кўпчилик овоз билан раис этиб сайланди.

Дарҳақиқат, вилоятимиздаги 1 минг 26 та маҳаллада фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловлари уюшқоқлик ва яқдиллик билан ўтди.

Мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган 1 миллион 788 минг 835 нафар сайловчи номидан 216 минг 641 нафар вакиллар иштирок этишди ва сайловларнинг ҳолис, шаффоф ва юқори савияда ўтишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Уч йил муддатга сайланган маҳалла раислари халқимиз ишончини оқлаб, ўз вазифаларига ҳар жиҳатдан лойиқ бўлишга ҳаракат қиладилар, деб умид билдираемиз.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ВАЪДАГА ВАФО – МАРДНИНГ ИШИ

Айтиш керакки, бу йилги об-ҳавонинг серёғин келиши галлачиликда ҳам ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарди. Айрим фермер хўжаликларида қарашли майдонларда бошқоқ дон экинларида қўшимча ишлов беришга тўғри келди. Шунга қарамайдан, асосий майдонларда мўл ва эртаки ҳосил етиштиришга эришилди. Дехқонлар тили билан айтганда, даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб. Ана шу таомилга амал қилган ҳолда, энг масъулиятли палла – ўрим-йиғим мавсумига ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрилди. Мавжуд комбайн ва техника воситалари ўз вақтида, сифатли таъмирланди. Буни Бўка туманида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш якуний ва ҳал қилувчи босқичдир, – дейди Бўка тумани фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Комилжон Бойқўзиев. – Туманимизда бу борада ташвишлинишга алоҳида сабаб йўқ, галладан етарли ҳосил етиштириш ва уни ўриб-янчиб олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, айни пайтда туманда 537 та

Вилоятимиз дехқон ва фермерлари жорий йилда об-ҳавонинг мураккаб келишига қарамайдан бошқоқ дон экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун барча имкониятларни ишга солишди. Кўни кеча эса вилоятимизнинг олди майдонларида галла ўрим-йиғимига киришилди.

□ Фалла – 2019



фермер ва 162 та дехқон хўжалиги фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 209 таси галла ва пахта етиштиришга ихтисослашган.

Туманда ўтган йилларда мавжуд ер майдонларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида иш самарадорлигини ошириш мақсадида оптималлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амал-

га оширилди ва фермер хўжаликлари фаолиятига баҳо берилди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, 350 гектардан ортиқ унумдор ерлар шартнома асосида энг тажрибали ва тадбиркор дехқонларга топширилди. Бу ўзининг самарасини бермоқда.

2

ЭСКИ ҚОВУНЧИНИНГ ЯНГИ КОРХОНАСИ

Янгийўл тумани, Эски Қовунчи қишлоғида "MIRISMOIL TEX INVEST" масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёр мато маҳсулотларини бўяш ва тикишга ихтисослашган корхона иш бошлади.



Корхона 10 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа бўлиб, унинг 3 миллиони таъсисчи ҳисобидан, 7 миллиони эса банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилди.

Корхона тўлиқ ишга тушгач бичув, тикув ва безак цехида 160 та, матони бўяш ва гул босиш цехида 80 та янги иш ўринлари яратилди.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

ИСТИҚБОЛЛИ ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Бекобод шаҳрида Ўзбекистон-Тожикистон тадбиркорларининг бизнес форуми ташкил этилди. Форум учун Бекобод шаҳри танлангани бежиз эмас.

□ Ҳамкорлик

Бугунги кунда шаҳарда хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш, хорижий инвесторларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилда Хи-



той, Қирғизистон, Туркия ва Замбия давлатларидан умумий қиймати 24 миллион 172 минг АҚШ долларига тенг бўлган 4 та тўғридан тўғри инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига шаҳарда темир-бетон маҳсулотлари, шифер, ўсимлик мойи, брикет, хўжалик совуни, шағам, техник мой ишлаб чиқариш ҳамда металл чикиндиларини қайта ишлашни йўлга қўйиш режалаштирилган бўлиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Бекободда 140 дан ортиқ саноат корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг вилоят саноатидаги улуши 16,4 фоизни ташкил этади.

Жумладан, металлдан тайёрланган буюмлар, цемент маҳсулоти, юқори босимга чидамли ойна толали қувурлар, қурилиш моллари – акфа эшик-роғлар, шпатлёвка, темир панжаралар, том ёпишда ишлатиладиган профнастил, шунингдек, ўсимлик ёғи, қандолат ва макарон маҳсулотлари, турли хил ассортиментдаги нон ва нон маҳсулотлари, тикувчилик-трикотаж моллари, махсус пойабзаллар ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Яхши маълумки, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар кундан-кунга ривожланиб бормоқда, айниқса, икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳарда 10 та ҳудудий экспортёр корхоналари мавжуд бўлиб, улар томонидан 2019 йилнинг 1-чорагида 265,1 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилди ва маҳсулотларининг ҳаммаси Тожикистон Республикасига экспорт қилинди.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг иштирокчилар "Ёшлар маркази" ҳовлисида ташкил этилган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишишди.

Кўннинг иккинчи ярмида ҳудуднинг йирик саноат корхоналаридан бўлган "Ўзметкомбинат" АЖ бошқарув биноси ҳовлисида маҳобатли "Пўлат қуювчи" хайкали очилди.

Форум доирасида ўзбек-тожик тадбиркорлари инвестициявий шартномалар имзолашди.

Шерзод ҚОБУЛОВ олган сурат

Бугунги сонда:

ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИГА
ЭРИШИШ
ҲОЯСИ



2-3-
бетлар

□ Бизга ёздилар

Яқинда "Китоб олами" дўконига дугоним билан бирга бордим. Ажойиб манзарадан кўнглимг яйраб кетади. Разм солсам, кимдир излаган китобини топганидан мамнун бўлса, бошқа биров шинам ўриндиққа ўтириб олганча сеvimли асарига шўнғиб мутулаа қиляапти.

КИТОБНИ
ДУНЁНИ
АНГЛАШ

Китоблар растасини эринмай кўздан кечириб чиқдик. Янги нашрлардан бир нечасини сотиб олдик-да «Book safe» томон ўтдик.

Тараққиётни кўзлаган давлат борки, халқини китобга ошно этишининг турли йўл ва усулларини излайди. Китоб жиноятдан, кишандан сақлаши, умрни тўрт девор ичида бесамар ўтишидан асраши ҳақиқат эмасми?! Демак, биз китобга қанчалик яқин бўлсак, ҳаётимиз мазмунли ўтиши шубҳасиз.

Буюк Британияда китоб терапевти деган касб бор. Бундай мутахассислар китоб ўқиш орқали руҳий муаммолар куршовида қолган кишиларни даволайди. Масалан, ихтисодий қийинчиликдан ҳавотирга тушган ўрта ёшдаги кишига Френсис Скотт Фицджеральднинг "Буюк Гэтсби", Сол Беллоунинг "Хендерсен – ёмғир кироли", Айрис Мердокнинг "Кўнғирок" номли китобларни тавсия этилади. Аёлларга Одри Ниффенгерг қаламига мансуб "Вакт сайёҳининг рафиқаси", Том Роббинснинг "Жаз оҳанглари" китоби маъқул саналади.

Хуллас, кўплаб ривожланган мамлакатларда китобхонлик билан боғлиқ яхши бир одатлар борки, улар оилада, болаликдан шакллана боради.

Лекин, одамларни, айниқса, ёшларни китоб мутулаасига жалб қилиш осон кечмайди. Бунинг учун, албатта, турли воситалар, ўзига хос рағбатлантирувчи усуллар талаб қилинади. Чунки, Гёте айтганидек, китобхонликка ўрганиш учун қанчалик кўп вақт сарф қилинишини одамлар тасаввур қилолмайди. Бунинг учун адиб ҳаётининг саксон йилини бағишлаган экан.

Дарҳақиқат, мутулаа яхшигина меҳнат талаб қилади. Китобни кино кўргандай, мусиқа эшитгандай йўл-йўлакай

ўқишдан ҳеч бир маъно-мазмун йўқ. Бунинг учун инсонда ҳафсала, кўнгил лозим. Аслида биз ҳаммиса енгилликка интиламиз. Осонини танлаймиз. Шу сабабли ҳам мутулаа энг охириги ўринга қўямиз. Бу – ўзимизни қийнашни истамаганимиз, дангасалигимиздан далолат беради.

Шахсан мен учун китоб му-



лоқотнинг энг гўзал намунаси. Масалан, бир неча аср илгариги ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, машғулоти, ўй-фикридан шу китоблар орқали бохабар бўламан. Улар билан айнан китоб воситасида суҳбатлашаман. Кечинмалари, фикр-мулоҳазалари билан танишаман. Ана шундай лаҳзаларда китобни мўъжиза эканлигини янада тيرانроқ англайман.

Бугунги глобаллашув даврида ахборотнинг кўпчилиги сабабли турли маълумотлар билан тўлган мия "ортиқча озуқа"га эҳтиёж сезмас, балки? Лекин, болалигидан китоб ўқиш кўникмаси ҳамда ахборот ва билимларни саралай олиш қобилиятига эга бўлган одамдангина китобхон чиқади. Айримлар бу фикримга эътироз билдириши мумкин. Мана, фалончи умрида битта бўлса ҳам китобни варақламаган. Аммо, бой, ҳаммадан яхши яшайпти, деб ҳаётдан мисол айтадиганлар учраб қолар!

Бироқ ўзини ҳурмат қилган инсон, албатта, китоб ўқийди. Китобхонлик – дунёни англаш томон йўл очиб бориш демакдир.

Нозиматон НУРМАТОВА,
"Пифагор" ўқув маркази
абитуриенти

Хукукий маданиятга эга инсонлар даврасидаги суҳбатлар узоқ давом этса ҳам гўё бир зумда ўтгандек бўлади. Ўз ўзидан аёнчи, хукукий онгсиз хукукий маданиятга эришиб бўлмайди. Бу замон ва макон танламайдиган ҳақиқат.

Айни шу масаллада жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда миллий

ислохотларни бошлаб юборгани бугун кўпгина давлатларга намуна бўлмоқда. Бош вазир томонидан илгари сурилган ўзига хос ғоявий йўналишлар мамлакатини қисқа вақт ичида мислсиз ривожлантириб юборди.

Яъни, Ли Куан Юнинг ютуғи – жамиятда қонун устуворлигини қатъий ўрнатгани, ўз ҳукуматининг ҳалол бўлишига интилиб, маҳаллий ва хорижий тадбиркорларнинг қўллаб-

қувватлаганида бўлди. Экспертларнинг фикрича, Сингапур ихтисодий тараққиёт ва турмуш даражасини таълим билан боғлаган ҳолда, мамлакатдаги муаммоларга ечим топишда бошқа давлатларнинг тажрибасини яқиндан ўрганиш ҳамда тез ўзлаштириб олди.

Ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида ҳам аҳолининг хукукий онги ва хукукий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усуллари, тарбиянинг таъсирчан воситалари, хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Халқчил, ҳаётий ҳужжат

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармонда хукукий онг ва хукукий маданиятнинг узвийлигини таъминлаш вазифаси қўйилгани уни халқчил ва ҳаётий эканлигидан далолат беради.

Мазкур фармон билан Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш концепцияси, уни амалга ошириш учун "Йўл харитаси" тасдиқланди. Эндилкида жамиятда хукукий онг ва хукукий маданиятни юксалтириш

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш деганда, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ва бошқа нотижорат бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг табиий муҳитни қўриқлаш, табиий ресурсларни ишлаб чиқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш ва оқибатларининг олдини олиш каби йўналишдаги фаолият тушунилади.

ҲАДДАН ОШГАН ЭҲТИЁЖЛАР

экология соҳасидаги жиноятларга ҳам йўл очади

Табиатни муҳофаза қилиш тартиби ва мажбурияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида белгиланган. Конституциянинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида" эканлиги қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193-204-моддалари экология соҳасидаги ҳукуқбузарликларни тартибга солади.

Экология жиноятчилигининг олдини олиш умумий чораларини амалга ошириш

жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири соҳасидаги ижтимоий жараёнларнинг натижалари билан бевосита боғлиқ. Экология соҳасидаги ижтимоий муносабатларда қонунийлик ва ҳукукий тартиб, қонуний экологик онг ва ҳуқ-қатворни шакллантиришга қодир узоқ муддатли антикризис таъсир айнан макро даражада шаклланади. Бу жараёнларни оптималлаштиришда табиатнинг экологик аҳамиятга молик унсурларига бўлган барча мулк шакллари ва қонуний мавжудлиги муаммосини ҳал қилиш улкан аҳамият касб этиши мумкин.

Барча даражаларда антикризис таъсир айнан макро даражада шаклланади. Бу жараёнларни оптималлаштиришда табиатнинг экологик аҳамиятга молик унсурларига бўлган барча мулк шакллари ва қонуний мавжудлиги муаммосини ҳал қилиш улкан аҳамият касб этиши мумкин.



йидагилар қиради: давлат, идоралар, корхоналар, жамоат ташкилотлари, айрим фуқаролар.

Экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тузилмалари ҳузурида ташкил этиладиган тегишли қўмиталар ва комиссиялар катта роль ўйнаши лозим.

Ижтимоий ва индивидуал даражаларда экологик-ҳуқуқий онг (тафаккур)ни муттасил ўстириб бориш ҳам му-

ҳим аҳамиятга эга. Экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг асосий имкониятлари айна шу вазифани ечиш билан боғлиқ.

Экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарадорлиги умумий ва махсус профилактика чораларини фаол қўллашни назарда тутди.

Хукуқни муҳофаза қилиш органлари, табиатни муҳофаза қилувчи инспекциялар, жамоат ташкилотлари, маҳ-

камавий назорат органлари назорат субъектлари ҳисобланади. Назорат усуллари табиий объектлар ҳолатини бевосита кузатиш, рейдлар, текширувлар ўтказиш, объектларни ғайриқонуний киришдан қўриқлаш, ўтказиш режимини ўрнатиш, экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик қуролларини олиб қўйиш, ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Экология соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини назорат қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Булар: табиатни муҳофаза қилиш қўнғилигининг ижро этилиши устидан прокурор назорати; рухсат берувчи тизим фаолияти; маъмурий назорат.

Проккурор тақдирномаси, протести ва таклифлари, судларнинг ҳусусий ажримлари, ички ишлар органлари, табиатни муҳофаза қилувчи органларнинг ахборотлари экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарали чоралари.

Жавоҳир ҚҮРБОНОВ,
ИИБ Академияси
3-босқич курсанти

□ 101 огоҳлантиради

Миришкор деҳқонларимизнинг самарали меҳнати туфайли даладарда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Эндиги асосий вазифа ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан иборат. Бу эса ғаллакорларимизга катта масъулият юқлайди. Чунки, халқ хўжалигининг юксалиши, халқимиз фаровонлиги ғалламизнинг мўлчилигига боғлиқдир. Шу сабабли, донни турли табиий офатлар, жумладан, ёнғиндан сақлаш ҳам шунчалик муҳимдир.

ҒАЛАЗОРЛАРНИ

ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

Йиғим-теримда ишлатиладиган комбайнлар, трактор ва бошқа транспорт воситалари соз учун шундиргич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан тўлиқ жиҳозланиши керак.

Шунингдек, бўғдойзорлар яқинида чекиш, очик оловдан фойдаланиш, таъмирлаш ишлари олиб бориш қатъиян ман этилади;

– ўрим ишлари олиб бориладиган майдонлар яқинида плугли тракторларда навбатчилик ташкил қилиниши шарт;

– комбайн ва бошқа транспортларнинг айланувчи қисмлари сомон ва хашақдан тез-тез тозалаб турилиши лозим;

– комбайн, трактор ва бошқа транспортларга ёқилги қуйишда махсус автоуловлардан фойдаланилади. Ёқилги қуйиш вақтида двигателлар ўчирилган бўлиши шарт. Тунги пайтда ёқилги қуйиш ман қилинади;

– дам олиш вақтларида комбайнларни ғаллазорларда қолдириш тақиқланади. Улар ғаллазорлардан 30 метр четга олиб чиқиши ва махсус тайёрланган майдонга қўйилиши керак;

– ўрим мавсумида ғаллазорларда маҳалла посбонлари, қўнғилиги ёнғин ўчириш жамоа аъзолари, ишчи-хизматчилардан қатъий график бўйича навбатчилик ташкил этилиши лозим.



ташиб олинган даладарни зудлик билан ҳайдаб, кейинги экинлар экилиши учун тайёрлаш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Бунда сомон поялари қолиб кетган майдонлар ёқиб юборилишига йўл қўймаслики керак. Чунки, бу, энг аввало, тупроқ унумдорлиги пасайиши ва ернинг таркиби қуйиб, ундаги фойдали хашаротлар nobуд бўлишига олиб келади.

Қолаверса, сомон поялари ва турли ўт-ўлан қолдиқлари ёқиб юборилиши натижасида чор-торофга инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи заҳарли кимёвий газлар тарқалади.

Даврон НОРМАТОВ,
Янгийўл тумани ЁХБ бошлиғи
Ўринбосари
Улуғбек ТҮРСУНБОВ,
сафдор

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик макомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-moliya shakli ойлик (ташкilotнинг молиявий аҳоли тўғрисида) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 18-санасидан кечиктирмай тижорат ташкилотлари (кичик корхона ва микрофирмалар, фермер хўжаликлари, банклар, суғурта ташкилотларидан ташқари) уларнинг алоҳида бўлинмалари (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича) eStat 3.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўтамыз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика қузуатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини нотўғри кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2019 йил учун юқоридаги давлат статистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитасининг расмий веб сайти www.stat.uz га кирган ҳолда у ердаги интерактив хизматлар бўлимидан шакллар рўйхати саҳифасида корхона ва ташкилотнинг хос СТИР (ИНН) кодни терган ҳолда билиб олишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамыз.

Тошкент вилояти статистика бoshқармаси

Эълонлар

Ўрта Чирчиқ туманидаги 15-умумтаълим мактаби томонидан 1993 йилда Эргашева Дилрабо Абдухалимовна номига берилган АУ 281893-рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бўка агросаноат ва транспорт касб-хунарс (собиқ агросервис) қоллежи томонидан 2001 йилда Раҳманов Фахриддин Рустамович номига берилган К № 437571-сонли (рўйхат рақами 6102) диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ЭРИШИШ ҒОЯСИ

қонунчиликни мустақамлаш ва ижтимоий адолатни кучайтириш, аҳолининг хукукий маданиятини ошириш тамойиллари асосий ўринга қўйилганига амин бўламиз.

Масалан, Америка Қўшма Штатларини олайлик. Бу давлатда қонунга итоат қилмаган киши жамиятда ниҳоятда қаттиқ қораланади. Америкаликлар бу борада бутун дунёга ўрнак бўлишга интилишади. Шу боис, улар фарзандларига қонунларга ҳурмат ҳиссини болалигидан синдириши "Америка орузи" ва демократия ғоясининг таъсири бўлиб, халқни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч сифатида бутун дунёга машур.

Францияда барча нарса инсон ва унинг манфаатлари учун, эркинлик, тенглик ва биродарлик ғоялари асосида бўлиб, давлат инсонларга чексиз ҳуқуқ ва эркинликларни яратиш берган ва уларни мамлакат манфаатлари йўлида бирлаштириб турибди.

Жаҳон тажрибаси ўрганилганда Сингапурни ривожлантирган – коррупцияга тоқатсизлик ғояси яратган мўъжиза ҳақида тўхталмасликнинг илоҳи йўқ, албатта. Ўз вақтида Бош вазир Ли Куан Ю ҳаётий

Бугун халқимиз тобора изчиллик ва мунтазамлик касб этиб бораётган ислохотлар даврида яшамокда. Барча соҳа ва тармоқларда ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар, инновацион лойиҳалар, ташаббуслар, бунёдкорликлар жойлардаги ижро органлари мутасаддиларидан давр билан ҳамнафас қадам ташлашни тақозо этмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга

оширилаётган ислохотларнинг ижросини сўзсиз ва сифатли таъминлаш аҳоли турмуш даражасини ошириш, бошқача айтганда, уларни ҳаётдан рози қилишнинг муҳим шартидир.

Шу ўринда **ЗАНГИОТА** тумани тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизнинг гайрату шижоати, матонати, сабр-қаноати, энг муҳими, меҳру оқибати ҳақида сизларга сўзламоқликни истадик.

«УЙИДА БАХТИ БОРЛАР ҲАР ЕРДА БАХТИЁРДИР...»

Давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган бешта муҳим ташаббус асосида туманимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодимиз юксалиб, турмушимиз фаровонлашиб боришида ҳар жабҳада самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Улар орасида олим педагог, шифокору муҳандис, шоиру сена-торгача, бир сўз билан айтганда, турли соҳа вакиллари борки, уларни ягона мақсад: кечадиган кўра бугун, бугунгидан кўра эртага янада фаровон яшашга бўлган интилиш бирлаштилади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси, саломатлигини муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, оилалар-

да ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш каби қўллаб-қувватлаш замирида аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсад бор. Туманда оғир шароитларда яшаётган 85 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш мақсадида секторлар қесими-

□ Меҳр манзили

да дастур ишлаб чиқилди ва уларни ишга жойлаштириш масаласи ҳал этилди. Уй-жойини таъмирлашга муҳтож 25 оила, тиббий муолажа учун 6 нафар аёл, кредит маблағи сўраб мурожаат қилган 16 оила рўйхати шакллантирилди. 70 оилага маиший техника воситалари берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламида қўллаб-қувватлаш бўйича

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан 25 нафар имконияти чекланган хотин-қизга ногиронлик аравачалари топширилди. Оғир турмуш шароитида яшовчи 6 нафар аёлга бошланғич тўловнинг 25 фоизини тўлаб, имтиёзли уй бериш режалаштирилган.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. "Ёш оила қурувчилар мактаби", "Қайноналар мактаби"да педагоглар, психологлар, имом-хатиблар, отиноиллар, пири бадавлат отахонлар онахонлар иштирокида машғулотлар ўтказиш тизимли йўлга қўйилган. Никоҳланувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан ҳафтанинг ҳар чоршанба куни яққа тартибда суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу каби тадбирлардан қўзланган асосий мақсад – низоли оилаларни яраштирашгина эмас, балки ёш оилаларни ҳар ёқасига келиб қўллаб-қувватлашдир.



Шоджа УМАРХУҲАЕВА,
Зангиота тумани ҳокимининг
ўринбосари, хотин-қизлар
қўмитаси раиси

Бу борада психолог Шаҳноза Шамесова билан ҳамкорлигимиз яхши натижа бермоқда. Дастлаб, туманимиздаги 23 та маҳалла маслаҳатчи ва котибалари билан давра суҳбати ўтказган мутахассис муаммолари вазиятларга тушиб қолган оилалар билан ишлаш жадвалини шакллантириб олди. Оиласидаги сирни ташқарига чиқаришга истамайдиган аёлларга айнан психолог маслаҳати жуда зарур. Таҳрибали психолог ёрдамида оиладаги чигал вазиятларга ечиб топилмоқда, баъзи боши берк кўчага кириб қолган аёлларнинг руҳияти соғломлаштирилмоқда. Жорий йилнинг 1-чорагида туманимизда жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш, эрта ҳомиладорлик ва эрта туғуруқ ҳолатлари қайд этилмади.

Никоҳни бекор қилиш ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 тага камайган бўлса-да, хотиржамликка берилиш керак эмас. Истагимиз, оилалар пойдевори мустаҳкам бўлсин. Ҳамиятнинг милти бўғини ҳар биримиз учун бахт ва қувонч ошенига айлانسин.

КЕЛИННИ МАҲАЛЛАДАН ОЛИНГ...

Ҳар бир маҳаллада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оилаларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича маҳалла мутахассиси лавозимига зиёли, ташкилотчи, кўпчилиққа сўзи ўтадиган, бошқаларга шахсий намуна кўрсата оладиган аёлни маҳалладошлар ўзларига "маслаҳатчи" этиб сайлашади.

□ Шижоат



"Пастдархон"ликлар Умида Сотволдиевага ишонч билдириб, янгилишмади.

Мутахассис ҳеч бекор қолмайди. У гоҳ мактабда, гоҳ коллеж ёшлари даврасида. Куннинг биринчи ярмида патронаж ҳамширалар билан оилаларга кириб борган Умидахон, тушдан кейин хотин-қизлар бандлиги билан шуғулланади. Ахир, кечагина унинг сай-ҳаракати билан коллежни тамомлағач, ўзига муносиб иш тополмаётган Умида Исмолова қишлоқ оилавий поликлиникасига ҳамшира бўлиб ишга кирди. Боқувчисини йўқотган Марғуба Холматова ногирон фарзандига қараб уйда ўтиришга мажбур эди. Маҳалла мутахассисининг маслаҳати билан М. Холматовани шу ҳудудда фаолият юритаётган "Фаровон" МЧЖга ишга қабул қилишди. Аёлининг уй-жойга муҳтожлиги масаласи ҳам тез кунларда ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Яна бир гап. Умида Сотволдиева маҳалладошларини яқиндан танигани боис, келин кидириб, қувв қилмоқчи бўлганлар унга тез-тез маслаҳат солишади. Умида опа яхши қизларни маҳалладан четга чиқарарми? Унинг: "Келин қилсангиз, Мадинахондек қизни танланг", деган тавсиясига кўра Саида Ашурова ҳам ўғлига муносиб жуфтни шу маҳалланинг ўзидан топди-да.

– Намунали оилалар шаклланишига ҳар биримиз масъулмиз, – дейди У. Сотволдиева. – Ёшларни тўғри йўлга солиш, кечиримли бўлишни ҳам биллишимиз керак. Ёшлар янгилишимиз, аввало, ота-она, қайнона-қайнота: "Буларнинг ёшида биз хато қилмаганимиз", дея ўзларига савол беришлари керак. Маслаҳатлашиб қилган сай-ҳаракатларимиз сабабли йил бошидан бунён 6 та низоли оила сақлаб қолинди, ажримлар учрамади.

ГАП ҒАЛАБАДА ЭМАС

Туманда маҳаллалардаги фаол бўлмаган хотин-қизлар ўртасида спорт ҳафталиги ўтказиш аънаёна айланган экан. Зангиотага сафаримиз чоғида биз ҳам велоспорт пойгасининг устидан чиқибмиз.

□ Саломат бўлинг

Велоспорт пойгасига олтмиш нафарга яқин хотин-қизлар старт чизигида саф тортишди. Ҳаммининг кайфияти аъло. Иштирокчилар тезроқ марра чизигини забт этиш истагида. Томошабинлар эса маҳалладошларини олиқлаш билан руҳан мадад бермоқда.

Муҳими, ғалаба эмас, соғлом бўлиш истагида мусобақага киришган велоспортчилар ҳаппаш дегунча, стадионни уч марта айланиб чиқишга ҳам улгуришди. Яқиний натижаларга кўра, "Богзор" маҳалласилик Робия Саидғозиевага биринчи ўрин насиб этди. "Абдужалил бог" ва "Сортепа" маҳаллалик иштирокчилар Зиеда Қўчқорова ҳамда Нигора Турғунова иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.



Саҳифа материалларини
«Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари
Аллома АЗИЗОВА, Мансур
ҲИММАТОВ (фото) тайёрлади.

ШОГИРДЛАРДАН ШОДЛАНИБ...

Тумандаги 27-мактабга кирган киши ўзини гулзорда юргандек ҳис қилади. Дарвоза олди гултувакларда ўстирилган ранго-ранг гуллар билан тўла. Мактаб ҳовлисида ҳар бир синф учун ажратилган майдонларда ландшафт усулида гулзорлар барпо этилган. Бундан ташқари, турли ошқўқлар, булғор қалампери, бақлажон, помидор экилган, мевали дарактлар ҳам сероб.

□ Интилиш



– Ҳадемай сабзавот ва мевалар пишиб етилади, – дейди мактаб директори Нодира Умрзокова. – Ҳосилни ёнимиздаги "Осиё маркет" дўконида топшираемиз. Даромадимизни эса мактабни таъмирлаш ишларига сарфлаймиз.

Раҳбарнинг уддабуронлиги жамоанинг ютуғи. Н. Умрзокова муассасага раҳбар бўлган кезлари мактаб кутубхонасида бор-йўғи 21 дона бадий китоб бор эди. Уч йил давомида бир неча бор китоб марафони ўтказилиб, кутубхонага 1 минг 200 та бадий китоб келтирилди. Ўқувчилар сонининг кескин ортгани ҳисобига ўқиш



2 сменада ташкил этилди. Мактабда давомат ва ўзлаштириш даражаси ҳам юқори ўринда. Фан олимпиадаларида яхши натижаларга эришган 4 нафар ўқувчи республика босқичида, 10 синф ўқувчиси Азиз Қаршиев эса халқаро олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бунда ўқитувчилар Умида Қосимова ва Нигора Абдуллаеванинг муносиб ҳиссалари бор, албатта. Дарсдан ташқари, қучайтирилган дастур асосида ўтилган машғулотлар натижаси устозларга шогирдлари ютуғидан фойдаланишдек бахтни насиб этди.

Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиғи деб тушунамиз.

Шавкат МИРЗИЕЕВ



Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг қўшма лойиҳаси

«ҚУЁШЛИ БОҒ» ЭРКАТОЙЛАРИ

Болаликда олинган билим тошга ўйилган нақш каби-дир, деб бежиз айтишмайди. Шу маънода "Қуёшли бог" ("Солнечный сад") нодавлат таълим муассасасида тар-

бияланаётган кичкинтойларга ҳар жиҳатдан ҳавас қиласан. Сабаби, муассасада болаҳонларга рус, инглиз ва француз тиллари ясли ёшидан бошлаб ўргатилмоқда.

□ Мактабгача таълим

100 ўринга мўлжалланган муассасага Алия Бобохонова раҳбарлик қилади. Богчада тартиб-интизом ва тозаликка қатъий эътибор берилади. Болаларнинг овқатланиш тартиби ва кундалик рационини ҳам шахсан мудирнинг назоратида.

– Ҳар куни эрталаб богчага келган кичкинтой, албатта, тиббий кўрикдан ўтказилади, – дейди мудира. – Сўнгра бадий гимнастика ва турли спорт машғулотларига руҳсат берилади. Борди-ю, болага массаж ёки турли дармондорилар тавсия этилса, муолажа муассасанинг ўзида амалга оширилади. 5 нафар педагог, 2 нафар тарбиячи кичкинтойлар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турфа машғулотлар олиб боришади. Логопед ва дефектологлар болалар нутқининг равон бўлиши учун турли



кўргазмалар воситалар ёрдамида маъсул дарслар ўтишади.

– Муассасанинг очилиши маҳалламиз аҳлини жуда қувонтирди, – дейди ўзини Насиба Иноғомова деб таништирган аёл. – Қизим Фарангиз 5 ёшда. Катнаётганига кўп бўлмаса-да, богчасини жуда яхши кўради. Ҳар куни машғулотларда нималар ўргангани, хориж тилида ёдлаган сўзларини айтиб, бизни қувонтиради.

МЕҲНАТИ ҲАМ, ЎЗИ ҲАМ ҚАДРЛИ

Болалар кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Colibri textile" масъуляти чекланган Ҳамиятнинг маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорларда ҳам харидорлиг.

□ Имконият

Тадбиркор Юлдуз Расулзода 6 йил бурун ушбу корхонага асос солганида 7 нафар ишчи билан 12 турдаги маҳсулот тайёрланар эди. Хозирда 55 нафар маҳаллий аҳоли жалб этилган корхонада болалар учун 45 турдаги трикотаж кийим-кечаклар тикилмоқда. Қиз ва ўғил болалар учун мўлжалланган кийимлар ҳамёнбop ва сифатли бўли-

ши билан бирга, юз фоиз табиий хом ашёдан тайёрланади.

– Коллежни тамомлаб, ишга кирганимга бир йилдан ошди, – дейди ўзини Дилноза Шокиржоновна деб таништирган тикувчи. – Ишимни яхши кўраман, боз устига ишхонам уйимга ҳам яқин. Йўлқира демайлар, тушлитгимиз корхона ҳисобидан. Корхонадаги иш жара-

ёнини кўриб, менда ҳам тадбиркор бўлиш истаги туғилди. Қизиқиб кўрдим: хотин-қизлар учун анчагина имтиёзлар бор экан. Насиб қилса, ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман.

Корхона ишчилари билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг кайфияти кўтаринки, ишларида унум ва барака борлигининг асл сабаби ўз меҳнатларидан тикувчи. – Ишимни яхши кўраман, боз устига ишхонам уйимга ҳам яқин. Йўлқира демайлар, тушлитгимиз корхона ҳисобидан. Корхонадаги иш жара-

Яна бир гап. Корхонада ишчиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни рағбатлантириш

яхши йўлга қўйилган. Яқинда корхона ишчиларидан бирининг 4 ёшли фарзандини машина уриб юборди. Корхона раҳбарияти аёлга моддий ва маънавий кўмак бериб, унинг иш ўрнини сақлаб қолган ҳолда ойлик маошини ҳам тўлаб бермоқда. Шунингдек, корхона ҳисобидан маҳалладаги 4 та кам таъминланган оилага кўрсатилаётган беминнат ёрдамни ошкор этишмаганини ўнг қўлинг берганини – чап қўлинг билмасин, қабилада тушундик.